

## Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир



13:33 / 05.04.2023 1853

1965 йили ва ундан олдинги йиллари капиталистик Америка ва коммунистик Русия одамлари фазога сафарлар қилганларида ҳамда Ер атрофини айланганларида, яхши умидларимни эсдалик дафтаримга ёзиб қўйган эдим. Албатта, бундай сафарлар – ер атрофини айланиш, ой сатҳига тушиш, Зухрога етиб бориш каби нарсалар инсоннинг борлиқдаги ажойибот ва ғаройиботлар ҳақидаги билимларини оширади. Натижада бу улкан борлиқни яратувчи Холиқ борлигига, Унинг Ўзи ҳамма нарсани идора қилиб, тадбирини кўриб, низомини муҳофаза этиб турганига ҳеч қандай шак-шубҳа қилмай қўяди. Бунинг натижасида сайёраларга чиққан инсонлар ичида махлуқотларни, наботот ва жамодотларни, осмонлару ерни яратган Холиқни инкор қилувчи бирорта ҳам шахс қолмайди.

Ушбу сафарлар – ер сайёрасининг атрофини айланиш ва бошқа сайёраларга етиб боришнинг ҳаммаси Аллоҳ таоло берган ваъданинг амалга ошишидан далолатдир:

﴿شَهِدْتُ شَيْءٌ كُلَّ عَلَى أَنَّهُ بِرَبِّكَ يَكْفِ أَوْلَمَ الْحَقُّ أَنَّهُ لَهُمْ يَبِينَنَّ حَتَّى أَنفُسِهِمْ وَفِي الْأَفَاقِ فِي آيَاتِنَا سُرِّيهِمْ﴾

**«Уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўзларидаги оят-(белги)ларимизни яқинда кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид экани кифоя қилмасми?!» (Фуссилат сураси, 53-оят).**

﴿تَعْمَلُونَ عَمَّا يُغْفَلُ رَبُّكَ وَمَا فَتَعْرِفُونَهَا أَلَيْسَ لَكُمْ لِلْحَمْدِ وَقُل﴾

**«Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин! У сизларга Ўз оят(мўъжиза)ларини кўрсатур. Сиз уларни кўриб, танийсиз», - деб айт. Роббинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир» (Намл сураси, 93-оят).**

Айтганларимизни рус фазогири, Аллоҳга иймони йўқ коммунист Герман Титовнинг фикридаги ривож ҳам тасдиқлайди. Фазо кемаси деразасидан ер куррасига назар солиб, унинг фазода муаллақ турганини кўрган фазогир: «Уни бу ерда шундай ҳолда нима тутиб турганини билсам эди!» деган эди.

Тафаккур қилган фазогир инсоний виждони билан ўзи сезмаган ҳолда иймон калимасини айтиб юборган. Ўз вақтида оммавий ахборот воситалари бу ҳақда ёзган ҳам.

Ушбу мавзу форс тилида Мавлоно Жалолиддин Румийнинг маснавийси вазнида назм қилган «Ёдгори зиндон ё ойнаи жаҳон» номли китобининг «Йигирманчи аср ва Ҳақни таниш» фаслида ишора қилинган. («Афғонистон пойтахти Кобулда таълиф қилинган»)

**«Соф табиат дини» китобидан олинди**